

ШАРТНОМА № 76/22 ПК

2022 й. “Ж” январ

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси “Контехназорат ўқув” Давлат муассасаси (кейинги уринларда “Ижрочи” деб аталади) Устав асосида фаолият юритувчи директор В.К. Ким бир томондан, ва “Навоий кон-металлургия комбинати” Акциядорлик жамияти (бундан кейин “Буюртмачи” деб номланади) номидан 2021 йил 29 декабрдаги 03-01-1/02/872 - сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи бош директорнинг ходимлар ва маъмурий масалалар буйича ўринбосари Тапаров Қурбанмурат Холмуратович, иккинчи томондан, қўйидагилар тўғрисида шартнома туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ.

- 1.1. Шартноманинг мазмуни “Ижрочи” томонидан “Буюртмачи”нинг **200** (икки юз) нафар “Саноат хавфсизлиги” “Тингловчилар”ни ўқув курсилари 40 соат дастури буйича босқичма-босқич ўқитишдан иборат.
- 1.2. Ўқув курси куйидаги манзили: 100011, Тошкент ш., Ц-14, 27-үй ва Комбинат бўлималарида (Учқудук, Зарафшон ва Навоий шаҳарларида).
- 1.3. Ўқув курси муддати 5 иш кунидан иборат (шанба ва якшанба кунларидан ташқари).

2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1. “Ижрочи”нинг мажбуриятлари:

- 2.1.1. 2022 йил давомида “Буюртмачи”нинг **200** (икки юз) нафар “Тингловчилар”ни “Саноат хавфсизлиги” босқичма-босқич 1 иловага асосан ўқитилишини амалга ошириш.
- 2.1.2. Ўқув курси якунида, синов имтиҳонларидан ижобий натижа олган “Тингловчилар”га белгиланган намунадаги сертификатни 10 кун ичида бериш.
- 2.1.3. Ўқув даврида “Тингловчилар”ни ўқув-услубий адабиётлар билан таъминлаш.
- 2.1.4. “Ижрочи”нинг 3 (уч) ходимлари (ўқитувчилар) Тошкентдан-Навоий шаҳарларига ҳамда қайтишлари Тошкентгача келиб-кетиши “Ижрочи”нинг томонидан амалга оширилади.

2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

- 2.2.1. Ушбу шартноманинг 3-бандига мувофиқ тўловни ўз вақтида амалга ошириш.
- 2.2.2. “Тингловчилар”нинг белгиланган муддатда машғулотларга ўз вақтида келишини ва машғулотларда иштироқ этишини қатиј таъминлаш.
- 2.2.3. “Ижрочи”нинг ходимларини (ўқитувчилар) 2.1.4. бандига асосан тураг жойи, озиқ-овқат таъминоти Учқудук, Зарафшон ва Навоий шаҳарларида олиб бориш ва олиб келиш учун транспорт “Буюртмачи” томонидан дастурига асосан амалга оширилади.

3. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ.

- 3.1. “Буюртмачи” “Ижрочи”нинг, ҳисоб ракамига ўқишиш бошланишидан олдин шартнома суммасининг 15 фоизини, колган 85 фоиз тўловни ўқув курси якунланганидан кейин, “Ижрочи” томонидан ҳисоб-фактура ва бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома тақдим этилиб, тўловни 30 (үттиз) банк куни давомида амалга оширилади.
- 3.2. Бир нафар “Тингловчи”ни ўқитиш киймати **740 000** (етти юз қирқ минг) сўмни ташкил этади. (2021 йил 23 декабрдаги 45-21/195-сонли хат).
- 3.3. Шартноманинг умумий суммаси **148 000 000** (бир юз қирқ саккиз миллион) сўмни ташкил этади.

3.4. Янги тарифларнинг жорий этилиши муносабати билан мазкур шартноманинг амал қилиш муддати давомида унинг микдори ўзгариши мумкин, “Ижрочи” “Буюртмачи”га ўзгартирилган харажатлар сметасини тақдим этиш билан тасдиқланади ва қўшимча келишув тузилади.

3.5. 15 фоиз олдиндан тўлови амалга ошилгандан сўнг ўқув курсининг нархи қўтарилмайди.

4. МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИК.

4.1. 2.1.1. бандига асосан 1 иловадаги кўрсатилган хизматлар муддатларини бузганлиги учун “Ижрочи” “Буюртмачи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизини микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 5 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

4.2. Ўқиш кўрсатилган муддатларда бошланмаган ҳолларда, “Ижрочи” олдиндан тўлов суммасини 5 календарь кун ичida “Буюртмачи”га тўлиқ микдорда қайтириб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.3. Агарда мазкур шартноманинг 4.2.-бандига мувофиқ олдиндан тўланган харажатлар маблағлари ўз вақтида қайтирилмаса, “Ижрочи” “Буюртмачи”га ўз вақтида қайтирилмаган маблағ суммасининг 30 фоизи микдорида жарима тўлайди, шунингдек олдиндан тўлов суммасини тўлиқ микдорда қайтаради.

4.4. Кўрсатилган хизматлар учун тўлов ўз вақтида тўланмаган тақдирда, “Буюртмачи” “Ижрочи”га ҳар бир кечиктирган кун учун муддати ўтган тўлов микдорининг 0,4 фоиз микдорида, аммо муддати ўтган тўлов суммасининг 5 фоиздан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

4.5. Неустойкани тўлаш Томонларни ушбу Шартнома бўйича қабул қилинган мажбуриятларни бажаришдан озод қиласиди.

5. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР.

5.1. Томонлар ушбу шартнома тузилгандан кейин унда кўзда тутилмаган сабабларга кўра ўз мажбуриятларни лозим даражада бажариш учун тўсқинлик қилувчи енгиб бўлмас куч таъсири ёки фавқулодда ҳолатлар натижасида юзага келган ҳамда олдиндан кўриш ва мавжуд усууллар ёрдамида олдини олиш имкони бўлмаган ҳолатлар бўлса ва бу бевосита битимнинг ишлашига таъсир қиласа (бундай шароитларга: тўфон, ёнгин, зилзила ва бошқа табиат ҳодисалари киради) тарафлар ушбу шартномада келтирилган мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинадилар.

5.2. Тарафлар енгиб бўлмас куч таъсири юзага келганлиги тўғрисида ушбу ҳолатлар юзага келгандан сўнг дарҳол бир-бирларини хабардор қиласидилар. Форс-мажор ҳолатлари юзага келишининг ишончлилиги ваколатли ташкилот томонидан тегишли хужжатлар билан тасдиқланиши керак. Бундай ҳолларда, ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати ушбу енгиб бўлмас куч билан боғлик ҳолатларнинг давомийлигига мос равища кейинга қолдирилади.

5.3. Форс-мажор ҳолатлари тўхташи биланоқ тарафлардан бири кечиктирмасдан бошқа томонни ёзма равища хабардор қилиши керак.

6. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ.

6.1. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон хужжат айланиши тўғрисида”ги ва “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонунларига мувофиқ ушбу шартнома ЭРИ орқали имзоланиши мумкин.

6.2. Шартнома шартларини тузишда иштирок этувчи тарафларнинг қўшимча келишувига кўра ва фақат ёзма кўринишдаги қўшимча келишув тузиш йўли билан ўзгартириш киритилиши мумкин.

6.3. Тарафларнинг хеч қайси бири ушбу шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа тарафнинг розилигисиз учинчи шахсга ўтказишга ҳақли эмас.

6.4. “Ижрочи” ва “Буюртмачи” ўртасидаги ушбу шартномадан келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар музокаралар олиб бориш ва эътиrozлар билдириш орқали ҳал этилади,

агар келишувга эришилмаса - Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ белгиланган тартибда жавобгар жойлашган манзилдаги иқтисодий судларига мурожаат қилинади.

7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҚОЙДАЛАРИ.

7.1. Ушбу шартноманинг тарафлари Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунини бузган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ.

8.1. Ушбу шартнома имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради ва 31.12.2022 йилгача амал қиласди.

8.2. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилиб, томонларга бир нусхадан саклаш учун топширилади ва бир хил юридик кучга эга хисобланади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

"ИЖРОЧИ"

Ўзбекистон Республикаси
Саноат ҳаффизлиги давлат қўмитаси
"Контехназорат ўкув" ДМ

100011, Тошкент ш. Ц-14, 27-йй,
Х/р: 2021 0000 2040 1557 7001,
МФО: 00981, СТИР: 203 011 144,
ОКЭД: 85590, "Даврбанк" ХАТБ
Амалиёт бошқармаси Тошкент ш.
Тел. (71) 244-20-69, факс: (71) 244-12-69.
E-mail: info@ktnu.uz, ktnu@exat.uz

"БУЮРТМАЧИ"

"Навоий кон-металлургия комбинати"
Акциондорлик жамияти

210100, Навоий ш., Навоий қўчаси, 27
Х/р: 2021 0000 5053 9837 2001
Банк: Навоий ш.
ТИФ Миллий банкининг Навоий бўлими
СТИР: 308 425 864
МФО: 00196
E-mail: info@nkmk.uz, nkmk@exat.uz

Директор

 B.K. Ким



Бош директорининг ходимлар ва маъмурий
масалалар буйича ўринбосари


 К.Х. Тапаров




Газначилик:



Юридик бўлими:


18.01.2022

Ижроай: Дустанов М.А.
Тел. (79) 2277539


Мустафаев М.А. — оғзи проф. конф.